Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 23-mart, shanba № 36 (3229)

Ҳомийлик ёрдами

БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ

меҳр-мурувват тадбирига уланиб кетди

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 11 ноябрдаги «Тошкент шаҳар туманларида маҳалла фуқаролари йиғини раислари ва ички ишлар профилактика инспекторларининг ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда жамоат тартибини сақлаш бўйича ҳамкорлигини ташкил этиш тўғрисида»ги мажлис баёнига асосан Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Юнусобод туманидаги «Ҳасанбой» маҳалласига бириктирилган эди. Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан кам таъминланган оилалардан 12 тасига1 млн. 200 минг сўмлик озиқ-овқат жамланмаси тарқатилди.

— Ҳудудимизда 525 та хонадон бўлиб, уларда 3 минг 225 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамид Рустамов. — Байрам шодиёналари ҳар бир қалбга кириб боришига ҳаракат қилдик. Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватланиши эса нур устига аъло нур бўлди.

Ҳожиакбар Раҳимов ва унинг турмуш ўртоғи Шоира Асомова ҳамда Ҳайитбой Умматовлар моддий ёрдам уюштирган касаба уюшма ходимларига ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди.

— Ушбу маҳалла билан ҳамкорлигимиз тобора мустаҳкамланиб бормоқда, — дейди Марказий кенгаш раиси Ўктам Турғунов. — Бундай хайрия ёрдами кўрсатилиши биринчи бор эмас. «Ҳасанбой» маҳалласини ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятларни ишга соламиз.

Н.РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

2013 йил – Обод турмуш йили





Навоий шаҳридаги «Қизилтепа Турон» масъулияти чекланган жамиятида юқори сифатли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бунда мазкур жамиятга қарашли «Турон нон» цехининг замонавий ускуналар билан жиҳозлангани муҳим омил бўлаётир.

СИФАТЛИ НОНЛАР — ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

— Аҳоли дастурхонига сифатли нон етказиб бераётганимиздан хурсандмиз, — дейди корхона раҳбари Аваз Рўзиев. — Мамлакатимизда тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, қатор имтиёзлар берилаётгани фаолиятимиз кўламини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Бундан самарали фойдаланган ҳолда, 10 нафар маҳаллий ёшлар бандлигини таъминлаган мазкур цехимизни ишга туширдик. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган 15 турдаги маҳсулот истеъмолчиларга пешмапеш етказиб берилмоқда.

Корхона бир кеча-кундузда 2,5 тонна унни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолига келтириш қувватига эга. Бу ерда Швеция технологиясига асосланган замонавий ускуналарни ёшлар бошқармоқда.

— Корхонада яхши даромад топиб, оиламиз бюджетини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқдамиз, — дейди ишчи Маъмура Тожиева. — Энг муҳими, бу ерда ишчилар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Н.РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири.

Суратларда: корхона ишчилари Алишер Камолов, Иззатулло Жалолов.

Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган суратлар

Бошланғичда нима гап?

Касабақўм раиси Барно Наврўзова ва амалиётчи психолог Ўткир Ҳақбердиевни «Ҳамзаобод» маҳалласида яшовчи ўқувчи Юлдуз Райимхонова хонадонида хурсандчилик билан кутиб олишди. — Хуш кўрдик, келинглар, — деди Хадича хола. — Ҳозиргина коллеж ўқувчиларини кузатиб қўйган эдим. Барака топишсин, улар қизим Юлдузнинг дарслари ва уй юмушларимизга кўмаклашиб туришади.



ЕТАКЧИ ФИДОЙИ БЎЛСА...

— Қизингизга арзимас совға олиб келган эдик, — деди касабақўм раиси саломаликдан сўнг.

Бир оғиз ширин сўз, меҳр-мурувват она-бола кўнглини кўтариб юборди. Юлдуз учун ўсмирлик йиллари осон кечмади. У касб-ҳунар коллежига қатнаркан, кунлар совиши билан шамоллаб қолар ва бир қанча муддат дарсдан қолиб кетарди. Лекин дугоналари қолдирилган сабоқларни ўзлаштиришида унга ёрдамлашиб туришгани туфайли бошқалардан кам ўқимасди.

Жиззах туман ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи бошланғич касаба уюшма қўмитаси учун муаммоларнинг катта-кичиги йўқ. Барчасига улгуришга ҳаракат қилинади. Жамоа аъзолари ва ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, ёрдамга муҳтож ёлғиз қария, ногирон ҳамда кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бир мунча муддат аввал уч-тўрт нафар касаба уюшма аъзосидан моддий ёрдам сўраб ариза тушган эди. Уларнинг яшаш тарзи, моддий шароити ҳамда кундалик фаолияти ўрганилиб, фаррош Маҳбуба Бегимова, ишчи Акбар Турсунов ва молия бўлими йўналиши бўйича ўқиётган Озода Тўраевага ёрдам кўрсатилди.

Айни кунда илм ва касб-ҳунар даргоҳидаги 969 нафар йигит ва қизга 92 нафар малакали педагог бухгалтерия, банк иши, ЭҲМ, бошланғич таълим каби саккизта йўналиш бўйича касб-ҳунар сирларини ўргатишмоқда. Бошланғич касаба уюшма қўмитасининг Мақсуда Пўлатжонова, Гулшан Нуруллаева, Ўткир Ҳақбердиев каби ғайратли ва уддабурон 7 нафар аъзосининг ўз вазифасига сидқидилдан ёндашаётгани эса ҳар бир масаланинг жойида ҳал этилишини тезлаштирмоқда.

Олий тоифали педагог Барно Наврўзова рус тили ва оила психологияси фанларидан дарс бериш билан бир қаторда мана уч йилдирки ўқув даргоҳи бошланғич касаба уюшмасига раислик ҳам қилиб келмоқда. Жамоада соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, жисмоний, интеллектуал ҳамда маънавий жиҳатдан етук жамоани шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиб келяпти. Мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланиш, айниқса, спортнинг миллий турлари бўйича уюштирилаётган мусобақалар жамоани жипслаштирмоқда.

Касб-ҳунар ўргатиш ва таълим-тарбия самарадорлигини хотин-қиз педагогларсиз тасаввур этиш қийин. Жамоадаги 60 фоиз хотин-қизларнинг меҳнат шароити ўрганилди. Уларнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказиш доимий назоратда. Сўнгги йилларда 45 нафар хотин-қиз Бухоро, Хива ва Самарқанд шаҳарларидаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди. Кам таъминланган 14 та оила фарзанди Зоминдаги ёзги дам олиш оромгоҳида бепул соғломлаштирилди. 12 нафарига даволаниш учун санаторийларга йўлланма берилди.

Илм ва касб-ҳунар даргоҳи ўқувчилари ҳар йили вилоят ва республика бўйича ўтказилаётган кўрик-танлов, мусобақа ва тадбирларда фаол иштирок этишмоқда.

Сўнгги икки йил мобайнида «Энг яхши инновацион фикрлаш» мавзусидаги республика танловида ўқувчилар ўз иқтидорларини намойиш этишди. «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг вилоят босқичида уларга иккинчи ўрин насиб этди. Бунда педагоглардан Султонмурод Қодиров ва Илҳом Ҳакимовларнинг фидойилигини алоҳида тилга олса арзийди.

Ёшларнинг маънавий-маърифий жиҳатдан етуклигини таъминлаш ва юксалтириш бўйича арзигулик ютуқлар қўлга киритилди. АРМ тўлиқ таъмирланиб, китоб фонди 16 мингтага етказилди. Китобхонлар сони 1400 нафар бўлиб, улар орасида маҳаллий аҳоли ҳам бор. Муҳим ва унутилмас кунларга бағишлаб ўтказилаётган тадбирларда АРМ раҳбари Дилшода Раҳмонованинг ташкилотчилиги сезилиб туради.

Ўқувчи-ёшлар бир неча йилдан бери «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари ҳамда ўқ отиш мусобақаларида вилоятда олдинги ўринларни эгаллашяпти. Ўтган ўқув йилида илм даргоҳи чақириққача бўлган ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчиси, захирадаги катта сержант Маъмур Отажоновнинг иш тажрибаси вилоят бўйича оммалаштирилди.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

Ташаббус — 2013

«Мегасфера» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган мебелларни «пишиқ, жаҳон андозалари даражасида, кўркам ва арзон», деб таърифлашади.

РАҒБАТ

иштиёқни оширмоқда

2008 йилда фаолият бошлаган корхонанинг муваффақияти чиндан-да маҳсулот сифати билан боғлиқ. Италиянинг «Гриджо» ва «Орма», Германиянинг «Хомаг» компаниялари дастгоҳлари ёрдамида яратилаётган мебел тўпламларининг ҳар бири ўзига хос. Ўтган йили «Халқ банки» кредити ёрдамида модернизация ишлари амалга оширилди. Янги линиялар ўрнатилди. Эндиликда корхона дўконлари нафақат Урганч шаҳрида, балки бир неча туманларда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Дарвоқе, корхона «Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи ўринга лойиқ топилди.

— Ушбу танлов биз каби юзлаб тадбиркорларнинг ўз меҳнатларини, орзуларини рўёбга чиқаришларида муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди корхона раҳбари Мурод Ваисов.

Танловнинг бу йилги босқичи Хоразм вилоятида янада кўтаринкилик ва уюшқоқлик билан ташкил қилинди. Унда воҳанинг турли жойларидан келган ҳунарманд, фермер ва ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари билан иштирок этдилар. Огаҳий номли театр файесида намойишга қўйилган маҳсулотларга қараб юртдошларимизнинг қўллари гул эканлигини яна бир карра ҳис қилдик.

Танлов натижаларига кўра иккинчи ўрин Қўшкўпир туманидаги мебел ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Тоҳиржон Аширбой» МЧЖга, учинчи ўрин Янгибозор туманидаги тиббиёт анжомлари ишлаб чиқарувчи «Илинза» ишлаб чиқариш ва савдо фирмасига насиб этди. 50 дан зиёд тадбиркорлар турли номинациялар бўйича тақдирландилар.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида ўз иқтидорини намойиш қилиб, эл-юрт равнақига ҳисса қўшиш истагидаги тадбиркорлар сони ортмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги қарори вилоятда тадбиркорликнинг янада кенг қулоч ёйишига ҳам асос бўлди. Эндиликда тадбиркорларимиз янги истиқболли режалар, ғоялар устида изланмоқдалар, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Бахтиёр Ибрагимов. — «Ташаббус» ана шундай интилувчан тадбиркорларни рағбатлантириб, уларнинг иштиёқини оширмоқда.

М. ТЎРАБОЕВА

Янгиликлар оқимидан

АНДИЖОН

Избоскан туманининг «Пойтуғ-Урганжи» автойўлида фаолият кўрсатаётган «Фантранс» автомобилларга газ қуйиш шохобчасида ошхона ҳамда мижозларни кутиш зали фойдаланишга топширилди. Шу тариқа ишчи-ходимлар сони 42 нафарга етди.

ҚУЛАЙЛИК

Шохобча раҳбари М.Қорабоевнинг таъкидлашича, қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилган жойда унум бўлади. Айтганча, ишчилар махсус кийим-кечак ҳамда зарур анжомлар билан ҳам таъминланган.

Жорий йил охиригача яна 10 та иш ўрни яратилиши кўзда тутиляпти.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

ҚАШҚАДАРЁ

Юртимизда кўклам таровати... Жойларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин. Шунингдек, сумалак сайиллари, Наврўзи оламга бағишланган турли маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

БАЛЛИ, ҚИЗЛАР!

Чироқчи хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида «Балли, қизлар!» кўрик-танлови ташкил этилди.

Унда етти нафар қиз бир неча шарт бўйича ўз билим ва маҳоратларини синовдан ўтказди. Шеърий тарзда таништирув, ўзбек миллий қўшиқларига рақс тушиш, пазандалик, зукколик, бадиий ижодкорлик, эркин мавзу каби шартлар якунида Компютер ва компютер тармоқларига хизмат кўрсатиш йўналишида таҳсил олаётган Маҳлиё Омонова ғолиб деб топилди.

Тикувчилик йўналиши ўқувчилари Райҳон Рўзиева ва Азиза Аҳмедова иккинчи ва учинчи ўриндан жой олди.

Ғолиб ва совриндорлар ҳамда турли номинация эгаларига коллеж маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

БУХОРО

Германиянинг «КНАУФ» фирмаси инвестицион ҳамкорлигида ташкил этилган «Бухорогипс» қўшма корхонаси ва «КНАУФ гипс Бухоро» хорижий корхонасида тайёрланаётган қурилиш қуруқ аралашмалари ҳамда гипсокартонларга нафақат вилоятда, балки мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам талаб ортмоқда. Буни инобатга олган жамоалар бирин-кетин истиқболли режаларни амалга оширишяпти. Хорижий фирма ташаббуси билан «КНАУФ гипс Бухоро» корхонасида ахборот – маслаҳат маркази очилди.

АХБОРОТ-МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ

Эндиликда бу ерда қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари вакилларигина эмас, балки истаган киши 2-5 кун мобайнида интенсив курсларда бепул ўқиб, замонавий бинокорлик материалларини қўллаш амалиётига эга бўлади. Улар тажрибали мутахассислар кўмагида тўсинлар, осма шифтларни ўрнатишни, сувоқ ишларини бажаришни ўзлаштиришлари учун етарли шароит яратилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

СУРХОНДАРЁ

Жарқўрғон туманидаги «Деҳқон озиқ-овқат бозори» МЧЖ ҳудудида доимий фаолият кўрсатаётган ярмарка ташкил этилди. Алоҳида растада қўй, мол ва парранда гўштлари нисбатан арзон нархда сотилмоқда.

ДОИМИЙ ЯРМАРКА

Маҳсулотларни пластик карточкалар орқали ҳам сотиб олиш мумкин. Искандар Бойқулов раҳбарлигидаги чорвачиликка ихтисослашган «Маман» фермер хўжалиги ҳамда якка тартибдаги тадбиркор Тилла Санақуловлар расталарни сифатли гўшт билан таъминлаяпти.

Тумандаги саноат корхоналари, тижорат банклари ҳамда фермер хўжаликлари ярмаркада картошка, пиёз, карам ва бошқа сабзавотлар савдосини уюштиришаяпти.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2013-yil 23-mart № 36 (3229)

Оталиқдаги соҳа

Гулбаҳор опа ўқитувчилик касбини эъзозлаб келаётганига ўттиз йилдан ошди. Муаллима бўш вақтини фарзандлари билан томорқада меҳнат қилиб ўтказишга ҳаракат қилади.

— Томорқада ишлаш менга завқ бағишлайди. Уруғларнинг униб чиқаётганини, кундан-кунга ривожланаётганини, ҳосил тугаётганини кўриб, дилим баҳра олади, – дейди Гулбаҳор Отажонова.

Унинг хонадони Шовот тумани Бўйрачи қишлоғидаги намунали оилалардан саналади. Фарзандларининг ҳаммаси олий маълумотли.

РИЗҚИМИЗ ЗИЁДА — РЎЗҒОРИМИЗ БУТ

— Кетма-кет уч фарзандим шартнома асосида Урганч давлат университетида таҳсил олишди. Ана шунда турмуш ўртоғим иккимиз томорқанинг улкан хазина манбаи эканлигини англадик, — дейди у. — Картошка-пиёздан тортиб, шоли, буғдойгача ўзимизда етиштирдик. Рўзғордан ортганини сотиб, шартнома пулларини тўладик. Минг шукур, болаларим ҳаётда ўз ўринларини топишди. Тирикчиликдан қийналаяпмиз, дегувчиларга томорқадан унумли фойдаланишни тавсия қиламан. Айниқса, кейинги икки йилда касаба уюшмалари томонидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари барча юртдошларимизнинг фаоллигини оширди, биз ҳам тарғибот ишларида қатнашдик. Хайрли ҳаракат бесамар кетмади. Сувсизлик ё бошқа баҳоналар билан томорқасига қарамаган маҳалладошларимиз ҳам ҳаракатга тушишди. Излаган имкон топади, деганларидек, айрим муаммолар кўпнинг кўмагида ечилди.

Бўйрачиликлар эрта баҳордан Обод турмуш йилида томорқалардан мўл ҳосил олиш тадоригини бошлаб юборишди. Томорқа ерлари тартибга келтирилиб, шай қилинди. Айрим эртапишар экинларни экиш эса бошлаб юборилди.

Умуман, шу кунларда бутун Хоразм воҳасида томорқалардан самарали фойдаланиш юзасидан кенг кўламли тадбирлар олиб борилмоқда. Муаллима айтганидек, ўтган йил тўпланган мўл ҳосил ва тажриба аҳолининг янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишига сабаб бўлмоқда.

Аллақачон экиладиган маҳсулотлар аниқ бўлди. 37,5 минг гектар аҳоли томорқасининг 15015 гектар майдонида ғалла барқ уриб ўсмоқда. Қолган 8480 гектарига сабзавот, 3880 гектарига картошка, 1870 гектарига пиёз, 76 гектарига дуккакли, 1590 гектарига шоли ва 647 гектарига озуқа экинлари экилиши режалаштирилган. Шунингдек, ғалладан бўшаган, эртаки картошка ва сабзавотлар ўрнига (жами 15 минг гектар) такрорий экинлар — сабзавот, картошка, дуккакли, мойли ва озуқа экинлари экилиши мўлжалланмоқда.

Шу кунгача жорий йил ҳосили учун аҳоли томорқасининг плёнка ости ва очиқ майдонларидан 378 гектарига пиёз, 38,7 гектарига саримсоқпиёз уруғи сепилди. Шунингдек, 820 хонадондаги 55 гектар томорқа иссиқхоналарида пиёз етиштирилмоқда.

Тажрибалар мўл ҳосил олишда, турмуш фаровонлигини оширишда иссиқхоналарнинг аҳамияти катталигини кўрсатмоқда. Шу боис 2013 йилда улар сони янада ортиши кўзда тутиляпти. Жорий йилда 271 хонадонда 542 сотих енгил конструкцияли иссиқхоналар ташкил этиш белгиланган.

Шу кунларда қишлоқ аҳлининг қўли-қўлига тегмайди. Зеро, ҳар бир ҳаракат эртанги кун фаровонлигига, ободлигига хизмат қилишини воҳаликлар яхши билишади.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Омилкорлик

Самарқанд боғларининг таърифу тавсифи асрлар оша тараннум этиб келинаётганлиги бежизга эмас. Боғи баланд, Боғи дилкушо, Боғи шамол ва бошқа ўнлаб боғларни бобокалонимиз Бобур Мирзо ҳазратлари ҳам керагича таърифлаган. Кўҳна анъана ҳануз авлодлар томонидан давом эттириб келинаётир.

ЗАМИН ЗАРГАРЛАРИ

Вилоятда биргина ўтган йилнинг ўзида 636 гектар майдонда интенсив боғлар барпо этилди. Бир қарашда нимжон ва нозик кўринган олма дарахтлари 3-4 йиллигидан бошлаб гектаридан 70-95 тоннагача ҳосил бермоқда. Яна бир афзал жиҳати, кўчатларнинг танаси кичик ва паст бўйлилиги боис кесиш, шакл бериш ҳам ўнғай. Боз устига, бир гектар ерга бу миттивойларнинг 1844 тупини жойлаштириш мумкин. Бу дегани, биттаси ўрнига ўнтаси.

Жорий йилда ҳам ана шундай боғ яратиш йўлидаги ҳаракатлар сусайгани йўқ. Шу мақсадда 502 гектар майдон ажратилди. Полша ҳамда Сербия давлатларидан 10 та юк машинасида 785 минг туп олма, қароли, гилос кўчатлари келтирилди ва ўтқазилди.

Меваларнинг аҳоли эҳтиёжидан ортгани экспорт қилинмоқда. Ўтган йилда Самарқанд далаларида етиштирилган маҳсулотлар дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатига етказилди. 67,3 минг тонна, жами 44,3 миллион долларлик маҳсулот Осиё, Европа ҳамда Лотин Америкаси давлатларига экспорт қилинди.

— Ўтган йилда 10 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, 80 та кичик саноат корхонаси ташкил этилиб, 250 та иш ўрни яратилди, — деди Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари Абдумажид Нурқулов оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бўлган учрашувда. — Вилоятимизда кўчат экишдаги зарбдор 30 кунликда боғ-роғлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Турли ҳудудларда 38 та махсус ярмаркалар ташкил этилиб, 25 турдаги кўчатлар савдоси йўлга қўйилди. Аҳолига 9 млн. 439 минг дона ниҳол етказиб берилди. 79 та махсус кўчма савдо қилувчи «Дамас»лар қатъий график асосида ишлади. Эҳтиёжманд 2284 та хонадон кўчат харид қилиш учун кредит маблағлари билан таъминланди.

Халқимизда ҳисобини билган ҳамёнидан айрилмас, деган нақл бор. 1094 та маҳалла, 557 минг 232 хонадонда олиб борилаётган ишлар рўзғоримиз бут бўлишидан далолат бериб турибди. Бу йил вилоят бўйича сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларидан 64 млрд. 150 млн., чорвачиликдан 1 млрд. 937 млн. сўм даромад олиниши режалаштирилган. Бошқача айтганда, бир оила ўртача 2 млн. 287 минг сўм даромад олиши кўзда тутилмоқда.

Маълумки, саломатлик нуқтаи назаридан бир киши йилда тўққиз килограммга яқин балиқ истеъмол қилиши лозим. Самарқандда бу йўналишдаги ишлар қай тарзда олиб борилаяпти? Рақамларга мурожаат қилсак. Ўтган 1 январ ҳолатига кўра, дастурда кўзда тутилган 82 ўрнига 84 та балиқчилик фермер хўжалиги ташкил этилиб, 794 гектар сунъий, 1086 гектар табиий ҳавзаларда 491 тонна балиқ етиштирилган. Хўжаликларни ташкил этиш ва ривожлантириш учун 1 млрд. 146 млн. сўм миқдордаги маблағ фермер хўжаликлари, 682 млн. сўм эса банк кредитлари ҳисобидан сарфланиши мўлжалланмоқда.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолини арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш йўлидаги ҳаракатлар давомийлиги таъминлаб келинмоқда. Ўтган фурсат 487 та чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари томонидан 12228 тонна сут, 1631 тонна гўшт ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди. Қорамолчилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш дастурига мувофиқ 361 та лойиҳа амалга оширилиб, 841 та янги иш ўрни яратилишига эришилди. Чорвачилик йўналишида 87 ўрнига 128 та лойиҳа амалдаги ижросини топди.

Маҳсулотни сақлаш, сифатини таъминлаш борасидаги аҳволга ҳам бир қур назар ташлайлик. Бундан икки йил илгари вилоятда 12 минг тонна сиғимга эга 8 та музлатгич бўлган бўлса, ўтган йилда улар сони 27 тага етказилди. Амалдаги йилда эса 7 та 14,7 минг тонналик сиғимга эга музлатгичли камера қурилиши белгиланган. Мазкур иш ниҳоясига етса, яна 95 кишининг иш билан бандлиги таъминланади. Шунингдек, гўшт, сут, мева, сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш юзасидан 23 та лойиҳа амалиётга татбиқ этилиши мўлжалланмоқда.

Замин зар. Ундан оқилона фойдаланиш сизу бизнинг саъй-ҳаракатимизга боғлиқ. Самарқанд соҳибкори, чорвадори, бободеҳқони баҳор насими эсаётган айни кунларда улуғ ният, азму шижоат билан янг шимариб ишламоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшмалари,

Ўқув-семинар





Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмалари аввалambор нималарга эътибор қаратиши лозим? Иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ҳар жиҳатдан пухтами? Ташкилотларда тузилаётган жамоа шартномаларида ходимлар манфаати тўла қамраб олиняптими?

ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ўтказилган «Касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ва асосий вазифалари» мавзуидаги ўқув-семинарда мазкур саволлар юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди. ЎзКУФК ўқув марказида ташкил этилган машғулотларда соғлиқни сақлаш тизимида фаолият олиб бораётган ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Унда дастлаб тармоқ Марказий кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси Гўзал Тохтаева касаба уюшмалари тузилмасини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда соғлиқни сақлаш тизими касаба уюшмалари олдида турган устувор вазифаларга тўхталиб ўтди. Шундан сўнг «Иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатлари», «Жамоа шартномасини тузиш, бажарилишини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш», «Ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг вазифаси»га доир маърузалар тингланди. Очиқ мулоқот асносида қатнашчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

— Муассасамизда 330 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади, — дейди Қўқон шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси бош шифокори Санамхон Хўжаева. — Уларнинг меҳнат ва дам олиш шароити жамоа шартномаси орқали мустаҳкамланган. Касаба уюшма қўмитаси раиси Одина Эгамбердиева билан биргаликда жамоа шартномасида белгиланган бандларнинг ижросини қатъий назоратга олганмиз. Иш берувчи сифатида ҳар бир ходимнинг яшаш тарзи, моддий аҳволини ўрганишга ҳаракат қиламан. Касаба уюшмаси фаолларининг тавсиясига кўра, кам таъминланган ходимларга моддий ёрдам кўрсатилади, санаторийларга имтиёзли йўлланмалар асосида саломатлиги тикланади. Бугунги семинар менга ҳар жиҳатдан манзур бўлди, меҳнат қонунчилигидан кенгроқ бохабар бўлдим. Шунингдек, муассасамизда тузилган жамоа шартномасини яна ҳам такомиллаштириш зарур экан, деган хулосага келдим.

— Машғулотларнинг саволжавоб тарзида ўтгани бир қатор мулоҳазаларимни ойдинлаштирди, — дейди Сирдарё вилояти Она ва бола скрининг маркази раҳбари Турсуной Холбоева. — Аҳамиятлиси, иш берувчининг ваколатлари, ходимларнинг меҳнат муҳофазасига оид имтиёзлари ҳамда бошқа ҳуқуқлари содда ва равон тилда тушунтирилди. Бундан ташқари, турли вилоятларда меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизнинг иш юритиш тажрибаси билан ўртоқлашдик. Ўйлайманки, мазкур семинардан сўнг ходимлар манфаатини жамоа шартномасида янада кенгроқ қамраб оламиз.

Семинар якунида иштирокчилар Наврўз айёми муносабати билан ёзилган байрам дастурхонига таклиф этилди. Ўзбекистон халқ артисти Марям Сатторова ижросидаги дилтортар тароналар йиғилганларга байрамона кайфият бағишлади.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Байрам ҳафталиги

Андижон туман маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида байрам ҳафталиги ташкил этилди. Тадбир таълим соҳасида узоқ йиллар ишлаб, нафақага чиққан педагог аёллар ҳолидан хабар олиш ва улар номига коллеж жамоатчилиги ташаббуси билан ташкил этилган «Ёшлар боғи»га мевали дарахт экиш билан бошланди.

БАҲОРИЙ КАЙФИЯТ

Ҳафта давомида билим масканида фаолият юритаётган «Қизлар клуби»нинг олиб бораётган ишлари ҳисоботи сифатида ўқувчи қизлар ўртасида рассомлик, бадиий ўқиш, пазандачилик, модельерлик, чеварлик, билимдонлик, тадбиркорлик, бадиий ижод соҳасида кўрик-танловлар ташкил этилди. Унда «Энг яхши шоира», «Энг яхши пазанда қиз», «Энг яхши модельер қиз» ва бошқа номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг масъул ташкилотчиси Ҳ.Матисаев иштирокида «Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ва роли» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

— Мақсадимиз хотин-қизларимизни баҳорнинг қўшалоқ байрами билан қутлаш баробарида миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни ёшлар онгига сингдиришдан иборат, — дейди Ҳ.Матисаев. — Тадбир давомида коллеж ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси фаолияти билан танишиб, ёшлар ва аёллар фаолиятини жонлантиришга катта эътибор қаратилганлигига амин бўлдик.

Энг қизиқарли томони, ўқувчилар ўртасида ўзига хос сўровнома ҳам ўтказилди. Унда «Энг яхши аёл фан ўқитувчи», «Энг фаол аёл ўқитувчи», «Энг яхши ташкилотчи аёл ўқитувчи», «Энг адолатли аёл ўқитувчи», «Энг меҳрибон аёл ўқитувчи» каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

Ҳафта якунида Беҳзод Осмонов ва Дилмуроджон Юсуповлар раҳбарлигидаги «Қувноқлар ва зукколар» ва бадиий жамоалар иштирокида «Аёл билан олам мунаввар» адабий-бадиий композиция намойиши бўлиб ўтди.Шунингдек, миллий урф-одатларимизни тараннум этувчи ҳужжатли филмлар тақдим қилинди.

Ғолиблар маъмурият ва касаба уюшмасининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Жорий йил касаба уюшмалари тизимида «Бошланғич ташкилотлар йили» деб эълон қилинди. Биз ҳам шунга муносиб равишда жавоб беришга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Элдорбек Муротов. — Қўмитамизни намунали, таянч бошланғичга айлантиришни биринчи галдаги вазифа қилиб олдик. Амалга оширилаётган ишлар ва тадбирларда бир хилликка йўл қўймаслик учун жамоат ташкилотлари билан баҳамжиҳат ҳамкорликда фаолият олиб бораяпмиз.

Кўнгилочар тадбирлар қатори, коллеж ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам амалга оширилди. 1000 туп терак, 65 туп мевали, 80 туп манзарали кўчатлар ўтқазилди. 40 сотих ер майдонига картошка, пиёз, помидор, булғор қалампири, ловия ва нўхат экилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ
«Ishonch» мухбири

Давра суҳбати

МАҚСАДЛАР МУШТАРАК

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги мажлислар залида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, касаба уюшма фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатини вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов кириш сўзи билан очди.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш.Ражабов иш билан таъминлаш, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазаси масалаларига тўхталиб, ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш йўллари ҳақида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси бошлиғи Т. Каримов ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш ҳақи ва ижтимоий нафақалар ўз вақтида тўланишини таъминлаш борасида банк тизими олдида турган вазифаларга эътибор қаратди.

Касаба уюшма фаолларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Тадбирда Қашқадарё вилоят ҳокими Туробжон Жўраев қатнашди ва маъруза қилди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

* * *

МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПАДИ

Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзуидаги давра суҳбатини кенгаш раиси А.Аҳмедов олиб борди.

Иштирокчилар ҳудудий, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари мазмун-моҳиятини бойитиш ҳамда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини янада кучли ҳимоя қилиш масалалари юзасидан фикрлашдилар. Жумладан, қабул қилинган Давлат дастури асосида қўшимча вазифаларни жамоа шартномаларига киритиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Вилоят молия бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Мансуров, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси О.Соатов, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Э.Менглиев ва бошқалар ижтимоий шерикликдан самарали фойдаланилаётганига алоҳида урғу беришди. Мисол учун, бирлашма кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмаларининг вилоятдаги масъул ташкилотчилари вилоят ҳокимлиги қошида тузилган комиссияларда аъзо сифатида қатнашаётгани, жойлардаги тадбирларда бошланғич касаба уюшмалари етакчилари фаол иштирок этишаётгани қайд этилди.

Тадбирда сўз олганлар аҳоли, айниқса, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, пенсия ва иш ҳақи тўловлари, уч томонлама шартномалар ижроси каби қатор масалалар хусусида фикр билдирдилар.

Меҳнаткашларни ўйлантираётган муаммолар ечимини топиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Давра суҳбатида вилоят ҳокими ўринбосари М.Қобулова ва ЎзКУФКнинг бўлим мудири У.Одилов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Р. ДАВЛАТОВ

Кўрик-танлов

САНЪАТИМ СЕНГА, ЮРТИМ!

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғаллаорол туман кенгаши Обод турмуш йилига бағишлаб ўтказилаётган «Санъатим сенга, обод юртим!» бадиий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича кўрик-танловнинг биринчи босқичини якунлади. Унда тармоққа қарашли 121 та бошланғич касаба уюшма ташкилотига бирлашган ҳаваскорлар анъанавий ижрочилик, эстрада қўшиқчилиги, якка ансамбл ва чолғу ижрочилиги, жамоа рақси йўналишларида истеъдодларини намойиш этдилар.

Дастурлардан обод юрт ва истиқлолни, миллатлараро дўстлик ва тотувликни мадҳ этувчи қўшиқ ва рақслар ўрин олди.

— ЎзКУФК томонидан ташкил этилган мазкур кўрик-танловнинг мақсади меҳнаткашларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказиш, улар ўртасида бадиий ҳаваскорлик ижодиётини, миллий қадриятларимизга бўлган муносабатларни ривожлантириш, санъатга иштиёқманд, иқтидорли ходимларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборат, — дейди туман тармоқ ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси А.Шакарбоев.

Ғолиблар ташкилотчилар ва ҳомийларнинг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири



«ОБОД ТУРМУШ» БОҒИ

Обод турмуш йилида корхонамиз жамоаси «Обод турмуш» боғини яратиш ташаббуси билан чиқдилар. Ғузор тумани «Янгикент» жамоа хўжалиги ҳудудида қўшма корхонамизга қарашли ёрдамчи хўжалик еридан 5 га. ер ажратилди. Унга 3000 тадан ортиқ турли мевали ва манзарали дарахт ҳамда ток кўчатлари экилди.

Ушбу хайрли тадбир дам олиш кунлари ҳашар йўли билан ташкил этилди. Унда 100 дан зиёд ходим фаол қатнашди. Кўкаламзорлаштириш ишлари нефт ва газ қазиб чиқариш конларида ва бошқа участкаларда ҳам алоҳида жонбозлик билан амалга оширилди. 2000 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар экилиб, ободонлаштирилди. Бундай савобли ишга 6 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Жўракул АМИРОВ,
«Гиссарнефтгаз» МЧЖ касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Ishonch
2013-yil 23-mart № 36 (3229)

ҳаёт ва қонун

Сизнинг ҳуқуқингиз

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тизимда инсон манфаати, аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қаратилган бир қатор ўзгаришлар юз берди. Зеро, «Обод турмуш йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорда таъкидланганидек, «...аҳолини, биринчи навбатда, унинг ижтимоий ночор қатламларини ва кам таъминланган оилаларни давлат томонидан аниқ манзилли муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш» куннинг асосий талабларидан ҳисобланади.

Соҳада амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиликлар ҳақида маълумот олиш учун Наманган вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мониторингини ташкиллаштириш бўлими бошлиғи Аброр Асқаровга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

ИЖТИМОИЙ НАФАҚА, МОДДИЙ ЁРДАМ...

— Суҳбатимизни бугун кўпчиликни қизиқтираётган масаладан бошласак. 2013 йил 1 январдан бошлаб вояга етмаган болалари бўлган оилаларга ойлик нафақа тўлаш тартиби ўзгартирилди...

— Ўзгартишлар қуйидагича:

— бир нафар фарзанди бўлган оилага — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

— икки нафар фарзанди бўлган оилага — 80 фоизи;

— уч нафар ва ундан ортиқ фарзандлари бўлган оилага — 120 фоизи миқдорида нафақа тўланадиган бўлди.

— Агар туғилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган икки ва ундан ортиқ болалар парвариш қилинса, бола парвариши бўйича нафақа қандай тарзда тўланади?

— У ҳолда бола парвариши бўйича нафақа кичик бола икки ёшга тўлгунга қадар бир баравар миқдорда тўланади.

— Қарорда ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун фуқаролар йиғинлари томонидан ваколат берилган комиссияларнинг масъулиятини кучайтиришга эътибор қаратилган. Мазкур комиссиялар қандай асосларда ва қанча муддатга шакллантирилади?

— Комиссия таркиби, ўз-ўзидан тушунарлики, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ҳудудида истиқомат қилувчи обрў-эътиборли ва ҳурматга сазовор кишилардан иборат бўлади. Комиссияга фуқаролар йиғинининг раиси бошчилик қилади. Комиссия аъзолари 2 йил муддатга, фуқаролар йиғини раиси эса унинг бутун ваколати даврига сайланади. Комиссия таркиби камида 15 кишидан иборат бўлиши керак. Комиссия қарори, унинг йиғилишида тасдиқланган таркибнинг камида учдан икки қисми иштирок этса, қонуний ҳисобланади.

— Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи нафақа тайинлашда асосий эътиборни қай жиҳатларга қаратиши лозим? Баъзан бу ҳақда қарама-қарши фикрлар қулоққа чалиниб қолади.

— Ҳар бир маҳалла фаоли давлат томонидан ажратилаётган маблағ боқимандалик кайфиятини вужудга келтирмаслигига ҳаракат қилмоғи даркор. Яна бир ҳақиқатни англашимиз керак: мазкур маблағлар оила фаровонлигининг доимийлигини таъминлашга йўналтирилиши шарт.

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик даромад миқдори жами даромад аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравардан ортиқ бўлмаган ҳолларда тайинланади.

Демак, мазкур маблағлар давлат томонидан қўллаб-қувватлашсиз даромадларини оширишнинг аниқ имконияти бўлмаган, ҳақиқатда эҳтиёжманд оилаларга ажратилади. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларига айрим оилалар ва фуқаролар томонидан боқимандалик муносабатида бўлиш, ўзининг иқтисодий фаоллиги ҳисобига эмас, балки давлат ёрдами ҳисобига яшашга интилишга йўл қўймаслик жараёнининг асосий мақсади бўлмоғи даркор.

— Муштарийларимиздан бири шундай савол йўллабди: «Яшаб турган жойимда моддий ёрдам сўраб, маҳалла оқсоқолига мурожаат қилсам, «Бизда рўйхатдан ўтмагансиз, буни фақат доимий рўйхатдан ўтган жойингиздан оласиз», деб жавоб қайтарди. Шу тўғрими?»

— Ҳа, албатта. Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам ариза берувчининг доимий яшаш (рўйхатдан ўтиш) жойи бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан оила бошлиғи ёки бошқа муомалага лаёқатли оила аъзосининг ёзма аризаси асосида, бола парвариши бўйича нафақа эса боланинг онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг аризаси асосида тайинланади.

— Нафақа тайинлашда кимлар бошқаларга нисбатан устунлик ҳуқуқига эга бўлиши мумкин?

— Ота-онасининг иккисини ҳам йўқотган, болалар тарбияси билан эса қариндошлар шуғулланаётган оилалар, ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ҳам ногирон бўлган оилалар, 14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ болаларни тарбиялаётган, бошқа қариндошлардан алоҳида яшаётган бева аёллар (бева эрлар), ногирон боласи (болалари) бўлган оилалар, болани (болаларни) тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётган оналар (оталар), ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ҳамда иш изловчи сифатида бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида ҳисобда турган оилалар, ёлғиз пенсионерларга устунлик берилади. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартда 1112-сон билан тасдиқланган Низомнинг 10-бандига асосан аввалларидек оиланинг даромади ҳисобга олинмасдан, ҳеч қандай шартларсиз нафақа тайинланар эди. Эндиликда Низомнинг мазкур банди бекор қилиниб, фақат юқоридаги ҳолатдаги нафақа олувчилар устунликка эга бўлади.

— Оила ҳақиқатда эҳтиёжманд ҳисобланса, ҳам моддий ёрдам, ҳам бола парвариши учун нафақа олиши мумкинми?

— Йўқ. Тасдиқланган янги Низомга асосан фуқаролар йиғини томонидан эҳтиёжманд деб эътироф этилган оила нафақа ёки моддий ёрдамнинг фақат бир турини олиш ҳуқуқига эга.

— Нафақа олиш учун аризани қачон бериш мақсадга мувофиқ? Мазкур мурожаат қай тартибда кўриб чиқилади?

— Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш учун ариза ушбу нафақа ёки моддий ёрдамни олиш истаги бўлган ойдан олдинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай берилади.

Ариза лар уч босқичда кўриб чиқилади. Биринчи босқичда махсус комиссия ариза берилган санадан бошлаб уч кун муддатда ариза берувчи томонидан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига тақдим этилган маълумотлар асосида оиланинг аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад миқдорини аниқлайди.

Агар оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад миқдори аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравар миқдоридан кам бўлса, махсус комиссия оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини текшириш санасини белгилайди.

Иккинчи босқичда махсус комиссия ариза берилган санадан бошлаб ўн кун муддатда оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини ўрганиб чиқади, шундан кейин тегишли нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги хулосани фуқаролар йиғинига киритади.

Учинчи босқичда ариза берилган ойнинг охирги кунидан кечикмай, махсус комиссиянинг хулосаси инобатга олинган ҳолда, ариза тегишли нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун фуқаролар йиғини томонидан кўриб чиқилади.

— Оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад хусусида гапириб ўтдингиз. Бу миқдор қандай аниқланади?

— Мурожаат қилинган ойдан олдинги охирги уч ой учун ҳисоблаб чиқилган оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик даромади суммасини оила таркибига киритиладиган оила аъзолари сонига бўлинган ҳолда аниқланади.

— Мулоқот учун ташаккур.

«Ishonch» мухбири
Дилдора РАҲМОНОВА суҳбатлашди.

Ажал уруғи

Мамлакатимизда ёш авлодни гиёҳвандлик балосидан асраш йўлида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Бирок, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳалла фаоллари, таълим муассасалари ходимларининг саъй-ҳаракатлари, оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилаётган гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари тўғрисидаги тарғибот ишларига қарамай, «вабо» савдосидан мўмай даромад орттириш илинжида юрган кимсалар ҳамон учраб туради.

АНТИҚА «ДЕҲҚОНЧИЛИК»

Бағдод туманилик Мирзакарим Маликов (исм-фамилия ўзгартирилган) ҳам ана шундайлардан чиқиб қолди. 2012 йили у ўзига хос «деҳқончилик» ҳаракатига тушди. Май ойида ўзи яшайдиган хонадон томорқасига... «наша» уруғини экди. Заҳар униб чиққанидан сўнг, «меҳр қўйиб» парваришлай бошлади. Ёз ойлари давомида атрофини ёввойи ўтлардан тозалаб, тагига ўғит солиб туришни ҳам унутмади. Ўсимликлар ривожланиб, кўкка бўй чўзгани сайин оғзининг таноби қочиб, «Қўлим катта пул кўради, шекилли», дея ўзидан кетаёзди. У ширин хаёллари аслида сароб, қилаётган иши эса қонунга хилоф, гуноҳ эканлигини ўйлаб ҳам ўтирмади.

2012 йил 24 август куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда М.Маликовнинг жиноий хатти-ҳаракатларига чек қўйилди. Унинг томорқаси холислар ва мутахассислар иштирокида кўздан кечирилиб, келгусида сотиш мақсадида 83 туп «наша» ўсимлигини парваришлаётгани фош этилди.

Шунингдек, Мирзакаримнинг хонадонидаги товуҳхонада қуритиш учун илиб қўйилган «деҳқончилик» маҳсулотлари ҳам адолат посбонларининг назаридан четда қолмади ва ашёвий далил тариқасида олинди.

Заҳар сотиб бойиш истагидаги «деҳқон»нинг иши Жиноят ишлари бўйича Бағдод туман судида кўриб чиқилиб, унга нисбатан адолатли ҳукм ўқилди. Жиноятчи жазосини олди.

Аҳроржон АСҚАРОВ,
Бағдод туман прокурори

Сўраган эдингиз



Совол: Турмуш ўртоғим билан 2011 йилда ажрашганман. Ажрашгунимизга қадар 10 йил бирга яшаган давримизда автомашина сотиб олганмиз ва автомашинани эримнинг номига расмийлаштиргандик. Мен ушбу машинага эгалик ҳуқуқини талаб қилишим ёки автомашинадан улуш олишга ҳаққим борми?

Д.УМАРОВА

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 23-моддасига асосан, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Шунингдек, эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар, улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади ва сиз юқоридаги ҳолат юзасидан улуш олишга ҳақлисиз.

Ушбу ҳолат юзасидан турмуш ўртоғингиз билан келишувга эриша олмасангиз, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 223-ва 225-моддаларига асосан, фуқаролик судига мурожаат этишингиз мумкин.

Совол: Эр ва хотин бирга яшаган даврда орттирилган қандай мол-мулклар уларнинг никоҳи тугатилгандан кейин тақсимланишига йўл қўйилмайди. Ёки никоҳ даврида фарзандларга олинган мол-мулклар кимнинг ихтиёрида қолади. Шу ҳақда маълумот берсангиз?


А.УСМАНОВ


Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 25-ва 27-моддасига асосан, эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади ва никоҳ тугатилган тақдирда ҳам ушбу мол-мулкларнинг ҳар бири ўз эгасида қолади ва тақсимланмайди.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки эр ва хотин ўртасида ўзаро келишув асосида бўлиб олиниши мумкин. Низо туғилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш, шунингдек, эр ва хотиннинг бу мол-мулкдаги улушини аниқлаш суд тартибида амалга оширилади.

Шунингдек, никоҳ давомида вояга етмаган болалар эҳтиёжини қондириш учун олинган буюмлар (кийим-бош, пойабзал, мактаб ва спорт жиҳозлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар) бўлинмайди ҳамда болалар эр ва хотиндан қайси бири билан яшаса, унга компенсациясиз берилади.

Саволларга Бувайда тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Б.НАЗАРОВА жавоб берди





Фарғона вилоятида тиббиёт бирлашмаларига қарашли туғруқ мажмуалари моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиб, уларда кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб бормоқда. Бу эса оналар ва болалар саломатлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Бувайда тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ мажмуаси ҳам «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу ердаги замонавий шароит ва қулайликлардан самарали фойдаланган мажмуа тиббий ходимлари аёлларни туғруққа тайёрлаш, чақалоқларни турли юқумли касалликларга қарши эмлаш, гинекологик касалликларни аниқлаш, олдини олиш ва даволаш каби ишларни тез ва сифатли амалга оширмоқда.

Суратларда: Бувайда тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ мажмуаси ҳамшираси Саноат Йўлдошева; туғруқ мажмуасида.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Реклама ва эълонлар

Молия муассасаларида

AGROBANK







Банк кредитлари — тараққиёт омили

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган 2013 йилда республикамизни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларида, биринчи навбатда, юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жихатдан янгилаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш масалалари ҳам таъкидлаб ўтилган. Бу вазифаларни амалга оширишда, шубҳасиз, молия муассасаларининг роли каттадир.

Жумладан, бугунги кунда «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг Навоий вилоят бошқармаси тизимдаги туман филиаллари ва кўплаб мини банклари орқали вилоятдаги халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес субъектлари ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Бошқарма филиаллари томонидан ўтган йил давомида ажратилган кредитлар натижасида қишлоқ ҳудудларида икки мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Бошқарманинг туман бўлимлари томонидан озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга жойларда иссиқхоналар ташкил этиш, қуруқ меваларни қадоқлаш, ноанъанавий равишда ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш, сут, гўшт ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш, шунингдек, юқори ҳароратга чидамли ғишт, мармар ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантиришга йирик миқдордаги кредитлар йўналтирилди. Натижада, ҳудудда хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилиб, саноат ривожига ҳисса қўшилаётир.

Шунингдек, чорвачилик, қорақўлчилик, паррандачилик, асаларичилик, боғдорчиликни ташкил этиш учун ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш ҳам банк диққат марказида бўлиб келмоқда. Жумладан, жойларда асаларичиликни ривожлантириш мақсадида 614 млн. сўм, паррандачилик йўналишига 1 млрд. 818 млн. сўм, иссиқхона қурилишига 215 млн. сўм кредитлар ажратилди.

Мисол учун, Навоий шаҳар ҳудудий филиали мижози бўлган «Одил брок сервис» МЧЖга замонавий сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олиш учун кредит ажратилганди. Ҳозирда 10 киши фаолият кўрсатаётган ушбу корхонада кунига 3,5 тонна сут ва сут маҳсулотлари қайта ишланиб, шаҳар аҳолисига тортиқ этилаяпти.

Шунингдек, «Агробанк»нинг Конимех филиали мижози «Алпомиш авлоди» хусусий корхонасига паррандачиликни ривожлантириш учун 30 млн. сўм, Кармана филиали мижози бўлган «Кармана Пахтакори» фермер хўжалигига иссиқхона қурилиши учун 100 млн. сўм кредит ажратилди. Банк томонидан молиялаштирилган ўз ишлаб чиқаришини йўлга қўйиб, кўплаб ёшларни иш билан таъминлаб келаётган бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи 138 нафар хотин-қизга банк маблағи ҳисобидан кредитлар ажратилди. Натижада, жойларда уч юздан зиёд хотин-қиз домий иш жойига эга бўлди. Пировардида аёлларимизнинг жамиятдаги фаоллиги тубдан ошди. Улар нафақат фарзанд тарбияси, ўз соғлиги учун қайғуришмоқда, балки жамоат ишларида ҳам ташаббус кўрсатишмоқда.

Таъкидлаш лозимки, банк томонидан экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларни модернизация қилиш, сервис хизматини кенг йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам мақтовга лойиқ. Негаки, ҳудудни ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳаларнинг молиялаштирилиши, янги иш ўринларининг яратилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бораяпти, хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти ривожланаяпти, аҳоли фаровонлиги таъминланаяпти.

Қишлоқ жойларда янги савдо дўконлари ва супермаркетлар қуриш ва таъмирлаш учун ўтган йилда ўнлаб мижозларга кредитлар ажратилди ва замонавий савдо дўконлари ишга туширилиб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари сотуви йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, «Агробанк»нинг Навоий вилоят бошқармаси томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида сабзавот, полиз, картошка, мева ва узум маҳсулотлари етиштириш мақсадида аҳолига уруғлик, кўчат, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари сотиб олиш учун микрокредитлар ажратилди. Айни чоғда ҳам бу борада ишлар самарали ташкил этилган бўлиб аҳоли банк хизматларидан баҳраманд бўлишмоқда. Бу каби хайрли ишлар ўзининг самарасини бермоқда. Томорқадан олинадиган даромад оилалар манфаатдорлигини ошириб, бозорларимиз тўкинчилигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, «Агробанк»нинг Навоий вилоят бошқармаси жамоасининг мақсади битта: уюшқоқлик билан меҳнат қилиб, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб улуш қўшиш ва мижозлар сафини янада кенгайтиришдир.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Эътироф

БУ ДАРГОҲДАН ҲЕЧ КИМ НОРИЗО КЕТМАЙДИ

Олис туманлардан бирида эдим. Иттифоқо қўл телефоним жиринглаб қолди.

— Алло, эшитаман.

— Кечирасиз, сиз «Ishonch» газетасининг вилоят бўйича мухбиримисиз?

— Худди шундай.

— Сиз билан кўришмоқчи эдим.

Сўз оҳангидан бироз ҳаяжонни сезгандек бўлдим. Шунинг учун унга ҳадемай вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига етиб боришимни маълум қилдим. Қарийб бир ярим саоатларда қабулхонага етиб келсам, сочларига оқ оралаган 50-55 ёшлардаги аёл кутиб ўтирибди. Ҳолаҳвол сўрашгач, ўзини фуқаро Муаттар Намозова деб таништирди.

— Кўп йиллардан буён Хатирчи туманидаги «Зарафшон» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида лаборант бўлиб ишлаб келардим. Ўтган ўқув йилининг бошланиши арафасида директоримиз «Сиз номутахассиссиз, энди бу ерда ишламайсиз. Ўзингизга бошқа иш қидиринг», деб қолди. Кўп йиллик тажрибам ва оилавий шароитимни айтсам, эшитишни ҳам хоҳламади. Ўйлай-ўйлай ҳудудий Кенгаш раиси маслаҳати билан Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Назира Тоғаева ҳузурига норозилик аризаси билан кириб бордим. Қарийб икки ойлик елиб-югуришлар натижасида, мана қайта ишга тикланиб турибман.

Энди таҳририятни йўқлаганимнинг сабабини айтай. Муаммоларимни ўз ташвишларидек қабул қилган бирлашма вакили Алишер Раҳматовга чин дилдан миннатдорлик билдирмоқчиман. Бир аъзоси сифатида мени ўз қаноти остига олиб ҳимоя қилган касаба уюшма вакилларига таҳририят орқали раҳматимни етказиб қўйсангизлар.

Яхшилик ва хайрли ишнинг ерда қолмаслиги қанчалар яхши. Миннатдорчилик хатини қўлимга тутқазганча аёл ўрнидан қўзғалди. Мен эса бир қадар масалани ойдинлаштириш мақсадида бирлашма юридик бўлими мудири А.Раҳматов билан учрашдим.

— Ҳа, Намозованинг ишини айтяпсизми? — Мутахассис йигит бўлиб ўтган воқеани гапириб берди. — Меҳнат қонунчилиги бузилишини бартараф этиш тўғрисида бирлашма тақдимномасини «Зарафшон» қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи директори Д.Маликов номига жўнатган эдик. Аммо иш берувчи М.Намозова билан тузилган меҳнат шартномасини Ўзбекистон Республика Меҳнат Кодексининг 100-модда 2-қисм 2-бандига асосан бекор қилинганлигини таъкидлаб, иккинчи маротаба ходиманинг ишга тикланишига очиқданочиқ рўйхушлик бермади. Шундай кейин ушбу масала бўйича Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судига даъво аризаси киритдик.

2012 йил 24 октябр кунги очиқ суд мажлиси фуқаро М.Намозова манфаатларини ҳимоя қилган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси даъвосини қаноатлантирди. Қарорсиз буйруқлар бекор қилиниб, ишдан четлатилган кунлари учун коллеж томонидан 507 592 сўм М.Намозова фойдасига ундириб берилди.

Ҳа, ҳақиқат эгилса эгилади-ю, аммо синмайди. Зеро, касаба уюшмалари аъзолар манфаатининг чинакам ҳимоячисидир. Бу даргоҳдан эса ҳеч ким норизо кетмайди.

М.АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2013-yil 23-mart № 36 (3229)

ҲУНАР-—ҲУНАРДАН УНАР



Бухоролик Истам Шарипов ёш дурадгор ҳунармандлардан.

Ўзи яшаётган Ромитан тумани «Чандир» маҳалласида дурадгорлик устахонаси очган. Бу ерда дурадгор ўз шогирдлари билан 10 турдаги эшик, дераза ромлари тайёрламоқда. Маҳсулотларининг сифати юқори, нархи нисбатан арзон.

Шунингдек, дурадгор И.Шарипов устахонада «устоз-шогирд» анъанаси асосида маҳалла ёшларини ўз ҳунарига ўргатмоқда.

Суратда: дурадгор Истам Шарипов.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат

Матбуот анжумани

КЎЛАМИ КЕНГ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

«Ўзбекинвест» компанияси ўтган йил изчил фаолият юритиб, қатор ижобий натижаларга эришди. Бундан ташқари, унинг суғурта бўлинмалари ва агентлик тармоқлари ишини янада такомиллаштириш ҳамда кенгайтиришга доир зарур чора-тадбирлар қўлланилди.

Компания ўз мижозлари ишончини мустаҳкамлаб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда суғурталаниши лозим бўлган ҳодисалар бўйича суғурта тўловларининг ўз вақтида амалга оширилаётгани муҳим омил бўлаётир. Ўтган йил якунларига кўра, компания томонидан тўланган товонлар миқдори 6,4 млрд. сўмдан зиёдни ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини доимий равишда қўллаб-қувватлаш компания фаолиятидаги устувор вазифалардан саналади. Ўтган йил якунларига кўра, бу борада олинган суғурта мукофотлари ҳажми 1,2 баробар, суғурта мажбуриятлари 1,3 баробар ўсишига эришилди. Аҳолининг суғурта хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш мақсадида узоқ туманларда жойлашган аҳоли пунктларида ҳам компания бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Натижада 2012 йилда 8 та янги суғурта бўлинмаси очилди. Компания агентлик тармоғини ҳам кенгайтиришга ҳаракат қилиняпти.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурига асосан қуйидаги чора-тадбирлар белгиланди:

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, фермер хўжаликларига тақдим этиладиган суғурта хизматлари ҳажмини ошириш;

- жисмоний шахсларга, хусусан, қишлоқ жойларда тақдим этилаётган суғурта хизматлари кўламини кенгайтириш;

- аҳолига мақбул нархларда «Менинг оилам», «Менинг соғлиғим», «Менинг уйим», «Менинг машинам» ва «Менинг бизнесим» каби суғурта хизматларини кенг тарғиб қилиш;

- республика ҳудуди бўйлаб, шу жумладан, қишлоқ жойларда компания филиаллари ва суғурта бўлинмалари ишини такомиллаштириш ҳамда янги суғурта бўлинмаларини очиш;

- агентлик тармоғини янада кенгайтириш, унинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, жорий йилда янги иш ўринларини яратиш бўйича тасдиқланган дастур ижросини таъминлаш ва ҳоказолар.

«Ўзбекинвест» компанияси 2012 йил фаолияти якунлари ва «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида белгиланган вазифалар ижроси» мавзуидаги матбуот анжуманида ана шулар ҳақида сўз юритилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ — ШАРАФЛИ ИШ

Мудофаа вазирлиги томонидан «Ёшларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш масалалари»га бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда Мудофаа вазирлигининг Ҳарбий таълим бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи подполковник Рустам Қосимов «Олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кираётган ёшлар учун белгиланган имтиёзлар» мавзуида маъруза қилди.

— Мамлакатимиздаги олтита — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобил қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббий факултет — булар юртимиз Қуролли Кучлари учун юқори малакали офицерлар тайёрловчи, нуфузли олий ҳарбий таълим муассасалари ҳисобланади, — деди маърузачи. — Мамлакатимизда олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кираётган ёшлар учун бир қатор имтиёзлар белгиланган бўлиб, жумладан, Президентимизнинг 2012 йил 31 майда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори тизимдаги ишларни янада такомиллаштирди. У Қуролли Кучлар қисмлари ва бўлинмаларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар беришда тегишли тартиб ўрнатиш, шунингдек, уларга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи омилларини кучайтиришдек эзгу мақсадларга йўналтирилгани билан ёшларга бўлган эътиборнинг узвий давоми бўлди. Эндиликда Қуролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча имтиёзга эга бўладилар.

Мазкур қарор асосида таъсис этилган ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномаси муддатли ҳарбий хизматчилар қалбида ҳарбийликдек шарафли касбга бўлган қизиқиш ва ҳавасни янада оширишга хизмат қилади.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидаги объектлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади

№	Объектнинг номланиши	Бошланғич нарх ҚҚС б-н (млн.сўм)	Бошланғич нарх ҚҚСсиз (млн. сўм)	Қурилиш муддати
1	Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган Патрул-пост хизмати батальонига қарашли иншоотларини реконструкция қилиш	4484,959	3737,465	11 ой
Объект бўйича танлов савдоларида иштирок этадиган корхона ва ташкилотлар мудофаа объектларини қуриш учун лицензияга эга бўлишлари шарт, объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади				
2	Термиз шаҳридаги «Мустақиллик» майдонида мусиқали фаввора қурилиши	480,304	400,253	2 ой
Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш вилоятнинг маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади				
3	Лот 1-1. Олтинсой туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказини мукаммал таъмирлаш	475,407	396,172	7 ой
	Лот 1-2. Ангор туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказини мукаммал таъмирлаш	463,995	386,662	5 ой
	Лот 1-3. Шеробод туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказини мукаммал таъмирлаш	454,167	378,472	7 ой
	Лот 1-4. Термиз туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказини мукаммал таъмирлаш	382,927	319,105	6 ой
	Лот 1-5. Қумқўрғон туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказини мукаммал таъмирлаш	325,381	271,150	7 ой
	Лот 1-6. Жарқўрғон туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказини мукаммал таъмирлаш	230,846	192,371	7 ой
Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш вилоятнинг маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади				

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел\факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан мукаммал таъмирланадиган ва 500 млн. сўмгача бўлган объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, қурилиш қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган объектлар бўйича оферталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устунлик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси - «Даваритектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар, Амир Темур кўчаси, 69-уй. Телефон\факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи объект қийматига қараб - 70.000 сўмдан - 150.000 сўмгача.

Таклифлар (Офертлар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати - оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Термиз шаҳар, **Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШДА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2013 йилга қуйидаги объектларнинг қурилиши бўйича ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

№ п/п	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм)	Қурилиш муддати
1.	Ховос туманидаги 100 ўринли «Баркамол авлод» болалар марказини капитал таъмирлаш	295 053 554 сўм	242 027 941 сўм	120 кун
2.	Гулистон шаҳридаги 100 ўринли «Баркамол авлод « болалар марказини капитал таъмирлаш	526 263 536 сўм	438 552 947 сўм	210 кун
3.	Оқ олтин туманидаги 100 ўринли «Баркамол авлод « болалар марказини капитал таъмирлаш	309 980 694 сўм	258 317 245 сўм	125 кун
4.	Янгиер шаҳридаги 50 ўринли «Баркамол авлод « болалар марказини капитал таъмирлаш	338 577 859 сўм	282 148 216 сўм	125 кун

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади

Буюртмачининг манзили: – Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар М. Ахтамова кўч. -30, тел: 8 (3672) 27-63-86

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдоридаги бўш айланма маблағлари бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур буўган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 феврал ПП-1475 сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан, давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500,0 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва қайта қуриш объектларига ўтказилган танлов савдолари, фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, иншоотларни мукаммал тамирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 % ташкил қилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тел (факс): (8 3672) 27-64-42

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати- оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган

Реклама ва эълонлар

ФАҚАТ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:

«Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Ёрмозор мавзеси ҳудудидаги кўприкларни реконструкция ишлари (мўлжал Шаршара-2)».

Муддати — **20.08.2013 йил.**

Бошланғич нархи — **270 893 605 сўм ҚҚС билан; 225 744 671 сўм ҚҚС сиз.**

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўлчилар кўчаси 37, тел.(373) 400-52-80, 224-24-33 (факс)

Таъмирлаш ишлари: Республика йўл фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдосида фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.

Кўприкни реконструкция ишлари учун махсус **лицензияга** эга бўлиши шарт.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37 уй, телефон/факс: (373)224-18-71

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳри, *Темирйўлчилар кўчаси 37 уй* манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:

«Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Лойиҳавий кўчасининг автойўли қурилиши (А.Навоий, Ўзбекистон овози ва Қувасой кўчаларидаги чорраҳасидан Оқ ариқ кўчасигача)».

Муддати — **20.11.2013 йил.**

Бошланғич нархи — **6 141 214 232 сўм ҚҚС билан; 5 117 678 693 сўм ҚҚС сиз.**

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўлчилар кўчаси 37, тел.(373) 400-52-80, 224-24-33 (факс)

Қурилиш ишлари: Республика йўл фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ушбу тенг бўлган ҳолатларда, афзаллик кичик бизнес субъектларига берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37 уй, телефон/факс: (373)224-18-71

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37 уй манзилида ўтказилади.*

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: **«Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга оширишда ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашга, бандлигини оширишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, аҳоли турли қатламларига манзилли ижтимоий кўмак кўрсатишга йўналтирилган бошқа ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни бажаришда ННТ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзаро ижтимоий шериклигини кучайтириш.**

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- аёллар ва ёшларни, ёш оилаларни, имконияти чекланган фуқароларни ҳамда аҳолининг кўмакка муҳтож бошқа қатламларини ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш;

- аёллар ва ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилинишини, реабилитациясини, бандлигини таъминлашни янада кучайтириш, мамлакатимиз ҳудудларида ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

- аҳолига янги иш ўринлари яратиш ва ишга жойлашишларига ёрдам кўрсатиш;

- ҳудудларимизда, айниқса, узоқ қишлоқ ҳудудларида, оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва халқ ҳунармандчилигини, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа шаклларини ривожлантиришга янада кўмаклашиш;

- ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига янада кенгроқ жалб этиш учун шароитлар яратишга ёрдам бериш;

- аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, узоқ туманлар ва қишлоқ ҳудудларида уларнинг касбий таълими сифатини яхшилаш;

- жамиятимизнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг роли ва аҳамиятини оширишга, жамиятимизда азалий миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни, адобахлоқ тамойиллари ва соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамланишига кўмаклашиш;

- аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳа ва унинг CD-дискдаги электрон варианти;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача. ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 22 апрел соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон рақамлари: 239-26-76, 239-26-64.

ПРИГЛАШЕНИЕ ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ: HIRD 2013 - 06

ПРИГЛАШЕНИЕ № 2013 – 06 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ Инвестиционной программы строительства жилья для комплексного развития села. Выпущено: 23 Марта 2013 г.

Срок подачи тендерных предложений: до 12:00 полудня, 13 Апреля 2013

1. Для Республики Узбекистан предоставлен мультитраншевый механизм финансирования и заем на финансовое посредничество за счет обычных капитальных средств Азиатского Банка Развития (АБР) на финансирование расходов по **«Программе строительства жилья для комплексного развития села» (ПСЖКРС)**. Средства, упомянутого выше, Займа будут использованы утвержденными покупателями жилых домов в сельской местности на покрытие платежей по заключенным контрактам для выше указанных лотов. Положения и условия контракта и платежи по данным контрактам должны, следовательно, соответствовать всем положениям и условиям Соглашения о займе с Азиатским Банком Развития, включая Руководство по закупкам. Конкурсные торги открыты для участников торгов из стран, удовлетворяющих квалификационным условиям АБР.

2. Для участия в конкурсных торгах принимаются запечатанные пакеты по нижеуказанным лотам от правомочных оферентов тендера. Только правомочные участники тендера, зарегистрированные в государственных органах и отвечающие ключевым требованиям оценки и критериям квалификации в соответствии с Разделом 3 тендерной документации могут быть допущены к тендерным торгам. Участники торгов должны ознакомиться с тендерной документацией для принятия решения об участии в тендерных торгах.

3. Для получения дальнейшей информации и ознакомления с тендерной документацией, участникам торгов следует связаться с организаторами конкурсных торгов - с соответствующим Территориальным консалтинговым центром по ценообразованию и конкурсным торгам:

Ташкентский филиал
Адрес: г.Ташкент, ул. Навоий 18
Телефон: (8 371) 241-15-22
Факс: (8 371) 241-15-32

4. В целях приобретения тендерных документов на русском языке, правомочные участники торгов должны направить письмо организаторам конкурсных торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежку из банка о невозмещаемой оплате в сумме 65 000 узбекских сумов. Языком торгов является русский язык и все контракты будут заключены на русском языке. Все разделы тендерной документации кроме Раздела 6, будут доступны также на узбекском языке, только для ознакомления.

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов - соответствующему Территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию. Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:

Банковский счет
Ташкентского филиала
Банк: ОАКБ «Узпромстрой банк» г. Ташкентской областной филиал
ИНН: 300017720
Р/с: 20210000704546027001
ОКОНХ: 84500

6. Форматы для документов, требуемых для подачи конкурсного предложения, определены в Разделе 1, Инструкции для участников торгов (ИУТ), которые входят в состав тендерной документации. Конкурсное предложение должно содержать Письмо-предложение об участии в тендерных торгах и документы, приведенные в следующих параграфах. Согласно ИУТ 11, Техническое и Ценовое конкурсные предложения должны быть представлены в отдельных запечатанных конвертах, оба вложенные в один внешний конверт, который тоже должен быть запечатан.

7. Техническое конкурсное предложение должно содержать документы, перечисленные в ИУТ 11.2:

a) Письмо - техническое предложение, в соответствии с ИУТ 12 и 16;
b) Декларация об обеспечении тендерного предложения в соответствии с ИУТ 19 ;
c) Доверенность, уполномочивающая, подписывать Конкурсное предложение в соответствии с ИУТ 20.2;
d) Документальное подтверждение квалификации Участника торгов для выполнения контракта, в соответствии с ИУТ 17;
e) Техническое предложение в соответствии с ИУТ 16;
f) Другие документы в соответствии с Информационной таблицей торгов.

8. Ценовое конкурсное предложение должно содержать документы, перечисленные в ИУТ 11.3:

a) Письмо – ценовое предложение, в соответствии с ИУТ 12 и 14;
b) Ресурсные сметы и заполненные таблицы цен, в соответствии с Информационной таблицей торгов, а также и ИУТ 11.3 и 14 ;
c) Другие документы, указанные в Информационной таблице торгов.

9. В дополнение к оригиналу конкурсного предложения, нужно представить две копии конкурсного предложения, вложенные и запечатанные в отдельные конверты четко маркированные «Копия», которые должны быть в точности такими же, как и оригинал.

Участник торгов также должен предоставить техническое предложение, включая электронную копию, в одном конверте, с отметкой ТЕХНИЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ. Ценовое предложение, включая электронную копию, должно быть предоставлено в другом конверте, с отметкой ЦЕНОВОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ. Оба конверта содержащие оригинал технического и ценового предложения должны быть представленны в отдельных запечатанных, должным образом, маркированных конвертах с надписями «ОРИГИНАЛ-ТЕХНИЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ», «ОРИГИНАЛ-ЦЕНОВОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ» и «КОПИЯ №...-ТЕХНИЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ» и «КОПИЯ №...-ЦЕНОВОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ». Обе копии должны быть идентичны по формату и содержанию как оригинал.

Для технического и ценового предложения, отдельно, Участник торгов должен предоставить электронную копию оригинала технического предложения, включая электронную копию Формы **Участника ПСЖКРС** - Часть 1, включенную в пакет тендерных документов. Электронную копию оригинала ценового предложения с электронной копией **Формы Участника ПСЖКРС** - Часть 2 и ресурсную смету, входящих в пакет тендерных документов. Все электронные копии должны быть предоставлены в отдельных CD дисках или флеш-носителях информации, находящиеся в рабочем состоянии и безопасных от вирусов. В случае расхождений между распечатанным оригиналом и электронным оригиналом, распечатанная версия будет превалировать. Кроме оригинала предложений, две копии, идентичные содержанию и формату оригинала, должны быть предоставлены.

10. Оферты принимаются Территориальным консалтинговым центром по ценообразованию и конкурсным торгам, начиная со дня объявления о проведении конкурсных торгов в рабочее время (с 10:00 до 17:00 с понедельника по пятницу) по вышеуказанному адресу в пункте 3. Тендерные предложения будут получены соответствующими Территориальными консалтинговыми центрами по ценообразованию и конкурсным торгам в день или раньше срока **12:00, 13 Апреля 2013 года.**

11. Если последний срок подачи оферты попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

12. Вскрытие оферт состоится ровно в 12:00 часов дня в последний день подачи заявок **13 Апреля 2013 года** в присутствии представителей участников торгов. Оферты будут вскрываться по нижеуказанному адресу:

Хокимият
Ташкентской области
Адрес: г. Ташкент,
ул. Моваройннахр 17.
Телефон: +8 (371) 236-77-68
Факс: +8 (371) 236-77-68
Эл.почта: amon_7777@inbox.ru

ПРИГЛАШЕНИЕ № 2013 – 06 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ Инвестиционной программы строительства жилья для комплексного развития села. Выпущено: 23 Марта 2013 г.

Срок подачи тендерных предложений: до 12:00 полудня, 13 Апреля, 2013

№ лота	Область	Район	Массив	Ближайщий центр\ город	Ближайщее расстояние к центру\ городу (км)	Кол-во домов по Лоту	Номер домов по Лоту
975	Ташкент	Бекабад	Такачи	Бекабад	6	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10
976	Ташкент	Бекабад	Такачи	Бекабад	6	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20
977	Ташкент	Бекабад	Такачи	Бекабад	6	10	21,22,23,24,25,26,27,28,29,30
978	Ташкент	Бекабад	Такачи	Бекабад	6	10	31,32,33,34,35,36,37,38,39,40
979	Ташкент	Бекабад	Такачи	Бекабад	6	10	41,42,43,44,45,46,47,48,49,50
						50	
980	Ташкент	Юкоричирчик	Миробод	Ташкент	3	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10
981	Ташкент	Юкоричирчик	Миробод	Ташкент	3	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20
982	Ташкент	Юкоричирчик	Миробод	Ташкент	3	10	21,22,23,24,25,26,27,28,29,30
983	Ташкент	Юкоричирчик	Миробод	Ташкент	3	10	31,32,33,34,35,36,37,38,39,40
984	Ташкент	Юкоричирчик	Миробод	Ташкент	3	10	41,42,43,44,45,46,47,48,49,50
985	Ташкент	Юкоричирчик	Миробод	Ташкент	3	10	51,52,53,54,55,56,57,58,59,60
986	Ташкент	Юкоричирчик	Миробод	Ташкент	3	10	61,62,63,64,65,66,67,68,69,70
987	Ташкент	Юкоричирчик	Миробод	Ташкент	3	10	71,72,73,74,75,76,77,78,79,80
						80	
988	Ташкент	Паркент	Т.Ризаев	Паркент	3	14	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14
989	Ташкент	Паркент	Т.Ризаев	Паркент	3	14	15,16,17,18,19,20,21,22,23,24,25,26,27,28
						28	
990	Ташкент	Чиноз	Чарвадор	Чиноз	7	8	1,2,3,4,5,6,7,8
991	Ташкент	Чиноз	Чарвадор	Чиноз	7	7	9,10,11,12,13,14,15
						15	
992	Ташкент	Чиноз	Гулзоробод-1	Чиноз	6	11	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11
						11	
993	Ташкент	Чиноз	Гулзоробод-2	Чиноз	6	12	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12
						12	
994	Ташкент	Янгийул	Навруз	Янгийул	3	8	28,29,30,31,32,33,34,35
						8	
995	Ташкент	Янгийул	Гулбахор	Янгийул	4	6	1,2,3,4,5,6
996	Ташкент	Янгийул	Гулбахор	Янгийул	4	12	7,8,9,10,11,12,13,14,15,16,17,18
997	Ташкент	Янгийул	Гулбахор	Янгийул	4	7	19,20,21,22,23,24,25
						25	
998	Ташкент	Зангиота	Хасанбой	Ташкент	3	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10
999	Ташкент	Зангиота	Хасанбой	Ташкент	3	9	11,12,13,14,15,16,17,18,19
						19	
1000	Ташкент	Уртачирчик	Коракалпок-1	Ташкент	3	15	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14,15
1001	Ташкент	Уртачирчик	Коракалпок-1	Ташкент	3	15	16,17,18,19,20,21,22,23,24,25,26,27,28,29,30
						30	
1002	Ташкент	Уртачирчик	Янгихаёт	Ташкент	3	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10
1003	Ташкент	Уртачирчик	Янгихаёт	Ташкент	3	11	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20,21
1004	Ташкент	Уртачирчик	Янгихаёт	Ташкент	3	11	22,23,24,25,26,27,28,29,30,31,32
1005	Ташкент	Уртачирчик	Янгихаёт	Ташкент	3	11	33,34,35,36,37,38,39,40,41,42,43
						43	
1006	Ташкент	Кибрай	Алишеробод	Ташкент	5	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10
1007	Ташкент	Кибрай	Алишеробод	Ташкент	5	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20
1008	Ташкент	Кибрай	Алишеробод	Ташкент	5	10	21,22,23,24,25,26,27,28,29,30
1009	Ташкент	Кибрай	Алишеробод	Ташкент	5	10	31,32,33,34,35,36,37,38,39,40
1010	Ташкент	Кибрай	Алишеробод	Ташкент	5	10	41,42,43,44,45,46,47,48,49,50
1011	Ташкент	Кибрай	Алишеробод	Ташкент	5	8	51,52,53,54,55,56,57,58
						58	
1012	Ташкент	Кибрай	Байткургон	Ташкент	12	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10
1013	Ташкент	Кибрай	Байткургон	Ташкент	12	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20
						20	
1014	Ташкент	Оккургон	Марказий	Оккургон	5	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10
						10	
	ВСЕГО:					409	

Инвестиционная программа строительства жилых домов в сельской местности **Заем № 2775-UZB**

Услуги лицензированно

НАВБАҲОР, КЕЛ...

Навбаҳор, кел, кўк изингга сабзи сайҳоним бадал,
Гулбаҳор, кел, гул юзингга лола, райҳоним бадал.

Турфа оҳангга тўлар борлиқ баҳор айёмида,
Сайра булбул, «чах-чах»ингга боғу бўстоним бадал.

Дер экан қизга йигит, борим берай, бўл менга ёр,
Бир бўса бер, етса молим, етмаса жоним бадал.

Этса озод ёр мени ҳажру фироқ зиндонидан,
Бир нигоҳини лаҳзасига дийну иймоним бадал.

Гоҳи қўл етмас Қуёш, юлдузни орзу айладим,
Хом хаёл орзуларимга эмди армоним бадал.

Истадим, лек топмадим бир лаҳза осойиш ҳаёт,
Бир даме тинчлик учун тахти Сулаймоним бадал.

Бу ҳаёт аччиқ-чучук, гоҳ йиғлатиб, гоҳ кулдирар,
«Йиғларимнинг шиддати»га шавқи хандоним бадал.

Мирза дер, дил роҳати тан роҳатидан хўб эрур,
Лаҳза кўнгул роҳатига икки жаҳоним бадал.

Мирза ҚАЙНАРОВ,
касаба уюшма фахрийси



Ж.НОРҚОБИЛОВ фотолавҳаси

Асрлар садоси

Навоий вилояти тарихий ёдгорликлари орасида Сармишсой қоятошларидаги расмлар энг қимматли манба ҳисобланади. Қадим тамаддуннинг неча минг йиллик садолари келиб турган Сармишсойдаги бу нодир обидалар фан тилида петроглифлар дейилади. Кармана шаҳридан 30-35 км. чамаси шимолда Қоратоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган Сармишсой, Қораунгурсой, Бironсой дараларида ибтидоий маданиятнинг нодир обидаларидан бири қоятошларга битилган петроглифлар ястаниб турибди. Очиқ осмон остидаги бу ўзига хос «музей»да, олимларнинг фикрича, 3 мингдан 8 мингтагача қадимий қоятош расмлари мавжуд. Тошларга ўйиб ишланган бу суратлар галереяси расман 1958 йилда Х.Муҳамедов томонидан топилган. Дарада ўшандан бери археолог ва географлар илмий тадқиқот олиб бормоқда.

САРМИШСОЙ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Шунингдек, олимлардан Н.Тошкентбоев, А.Кабиров, М.Хўжаназаров, карманалик ўлкашунос Б.Шалотонинлар ҳам ушбу қоятош суратларини ўрганишган.

Петроглифлар жуда қадимий бўлиб, расмларнинг дастлабкилари ёши эрамиздан аввалги 2-асрга — бронза даврига мансубдир. Бу ерларни қадамба-қадам кезган Б.Шалотонин айрим суратлар ёшини ҳатто 5-7 минг йилга, Неолит даврига тўғри келади, деб ҳисоблайди. Бу ҳақда ўзининг «Дарё соҳилидаги шаҳар» рисоласида ҳам ёзган.

Г.В.Шацкий «Рисунки на камне» асарида: «Бундай қоятош суратлари бошқа вилоятлар, ҳатто мамлакатларда ҳам учрайди, жумладан, Швеция, Польша, Россия давлатларида, лекин Сармишсойдагидек кўп, ўша давр ҳақида батафсил маълумот берадигани йўқ», деб ёзган.

Тош суратлар тадқиқотчиси А.Кабировнинг таъкидлашича, милоддан аввалги 4-1 минг йилликка тааллуқли бу расмлар бронза, темир, тош билан уриб, чўкичлаб контур, соя, нақшдор услубда ишланган. Шуниси қизиқки, нима учундир кўпчилик расмлар тоғнинг жанубий тарафидаги ясси тошларда учрайди. Чунки жанубий ён бағирлар офтобрўя бўлиб, ундаги тошлар қуёшда кўпроқ қорайган, демакки, қорамтир тош сатҳида тасвир яққолроқ кўринади. Яна бир эътиборли жиҳати, бу ердаги суратлар ёмғирдан сўнг кўзга яққол ташланади.

Сармишсой расмларида ёввойи ҳайвонларни ов итлари билан овлаш, ҳайвонларнинг ўзаро уруши, чорва моллари, рақс тушаётган одамлар, ўқ-ёй, ханжар, қилич, найза тутган, дубулға кийган кишилар ўзига хос тарзда маҳорат билан ҳаётий қилиб тасвирланган. Бу тошларга қараб ҳайратингиз юз чандон ошади. Олов ёқиш учун ўт чиқараётган киши, фаришталардек қўлини осмонга кўтариб қуёшга илтижо қилаётган одам, қўлида қуёшни кўтариб турган малаклар, чоҳга тушишдан қўрқиб орқага тисарилаётган кийиклар. Уюрда сардорлик учун курашаётган икки от... Суратлар узоқ ўтмишдан сўзлайди.

Геологияда «Пиктография» деган атама бор. Бу воқеаларни расмлар билан ифодалашдир. Юқорида айтганимиздек, ҳали ёзишни билмаган аждодларимиз кўрган-билганларини суратлар орқали ифодалашган. Сармишсой галереясида ибтидоий овчилар дарага сув ичишга келган ёввойи ҳўкиз, кийик, тоғ эчкиси, муфлон каби ҳайвонларни овлаш, судралиб юрувчилар, чорва моллари ва отларни боқиш каби расмлар кўп тасвирланган. Ҳатто айрим расмларда шер, йўлбарс, айиқ тасвирланганига нима дейсиз? Бу расмлар ўша давр табиати, ҳайвонот оламидан сўзлаб турибди.

Кексаларнинг эслашича, 1930 йилларгача бу ерда аҳоли яшаган. Кўплаб тош уйлар, деворлар қолдиғи ҳозир ҳам сақланиб қолган. Сой бўйида улкан дарахтлар ўсган, сувида тоғ сойларида бўладиган «қорабалиқ»лар сузган.

1960-61 йилларда бу манзилда инсон таъсири кучайиб, воҳанинг нодир ландшафтига зарар етди. Ҳатто сувенир сифатида қоятошлардаги расмларни синдириб олиш ҳоллари ҳам учради.

Қоятошлардаги бу санъат асарларининг уста «таржимони» вилоят ўлкашунослик музейи директори Р.Эгамов фахр билан шундай дейди: «Мовароуннаҳр тарихида Хоразмда Маъмун академияси, Самарқандда Улуғбек яратган академия бўлса, бизнинг Сармишсой қоятош суратлари академиясидир».

Сармишсой расмлари ибтидоий санъатнинг нодир ёдгорлиги, шу ҳудудда яшаган қадимий халқларнинг ҳаёти, ҳайвонот дунёси ва тарихини ўрганишда катта илмий қимматга эга эканлигини ҳисобга олиб, 1991 йилда Сармиш давлат буюртма қўриқхонаси ташкил этилди ва давлат муҳофазасига олинди.

Эндиликда бу заминнинг тарихини ўрганиш, Сармишсой ёдгорликларини антропоген, физик ва бошқа салбий таъсирлардан асраш, унинг қадр-қимматини сақлашнинг қонуний асослари яратилмоқда.

Шуҳрат ХАЛИЛОВ,
тарихчи-ўлкашунос

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

Касаба уюшма спорти

Яккабоғ туманида халқ таълими ходимлари ўртасида Обод турмуш йили ва Наврўз байрамига бағишланган спартакиада ташкил этилди.

ОММАВИЙЛИК САРИ

Шахмат, шашка, стол тенниси, волейбол, енгил атлетика бўйича 200 га яқин спортсевар педагоглар ўртасидаги баҳслар қизиқарли ва муросасиз кечди.

Шахмат беллашувларида Зилола Шаврикова (75-мактаб) ва Нормўмин Эшмуродов (47-мактаб) энг кўп очко жамғарган бўлса, шашка баҳсларида Адиба Каримова (9-мактаб) ҳамда Ўктам Бердиев (12-мактаб) биринчи ўриндан жой олди.

100, 400 ва 1000 метр масофага югуриш мусобақасида Гулдона Рўзиева (36-мактаб), Мўътабар Бўриева (77-мактаб) ва Бахтигул Ғофурова (36-мактаб) марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтди.

Волейбол турнирида 45-мактаб жамоаси тенгсиз топилди. Стол тенниси беллашувларида Суюн Ҳазратов (75-мактаб) ва Мафтуна Холматова бош соврин эгаси бўлди.

— Оиламиз билан спортга қизиқамиз, — деди мусобақа ғолибаларидан бири 36-мактаб ўқитувчиси Барно Авлоқулова. — Стол теннисида иккинчи ўринни олдим, лекин асосийси бу эмас. Биз бўш вақтимизни мазмунли ўтказдик, қолаверса, бошқа таълим муассасаларидаги ҳамкасбларимиз билан ўзаро тажриба алмашдик. Мени қувонтиргани, қизим Гулдона Рўзиева югуриш баҳсларида муваффақиятли қатнашди. Демак, оилавий анъана давом этади. Биз устозлар бугунгидек спорт байрамини юқори савияда ташкил этгани, одилона ҳакамлик учун мусобақа ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Қиличбозлик



Юртимизда тобора кенг қулоч ёйиб бораётган қиличбозлик бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 150 га яқин спортчи кескин баҳсларда ўз имкониятини намойиш этди.

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНИ

Шпага бўйича қизлар ўртасидаги яккалик баҳсларида Елена Гусева барча рақибаларини мағлубиятга учратди. Малика Ҳакимова кумуш, Нигора Содиқова ва Севара Суюндиқова бронза медаллари билан тақдирланди.

Ўсмирлар ўртасида Сардор Нурматов (Андижон), пойтахтлик Роман Исаков, Дониёр Ғуломов ва Жавоҳир Нурматов (Андижон) совриндорлар сафидан ўрин олди.


Рапира йўналишида пойтахтликлар — Рустам Исоқов, Роман Муродов, Зафар Қаюмов ва Ринат Баширов шоҳсупага кўтарилди. Қизлар ўртасида эса Ойдин Арабжонова, Муштарий Абдураззоқова, Шоҳида Иномова (Андижон) ҳамда пойтахтлик Мафтуна Илёсова совриндор бўлишди.

Жамоавий баҳсларда Тошкент шаҳри жамоаси бешта, Андижон вилояти спортчилари эса битта олтин медални қўлга киритди.

Фигурали учиш

Фигурали учиш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, ҳамюртимиз Миша Ге 2014 йили Сочи шаҳрида ўтказиладиган XXII қишки Олимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритди.

БИРИНЧИ ЙЎЛЛАНМА



Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси матбуот хизматидан хабар қилишларича, Канадада ўтган жаҳон чемпионатида дунёнинг 25 мамлакатидан ташриф буюрган 34 спортчи ғолиблик ва қишки Олимпиада йўлланмалари учун баҳсга киришди.

Қисқа ва ихтиёрий дастур бўйича чиқишлари 207,5 баллга тортган ҳамюртимиз энг кучли 16 спортчи қаторидан жой олди.

Универсал жанг



«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида универсал жанг бўйича ўсмирлар, қизлар ва катталар ўртасидаги мамлакат чемпионатида 300 га яқин спортчи ўз кучини синовдан ўтказди.

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Ўзбекистон шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамда Универсал жанг федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада спортчилар тўсиқлардан ўтиш, девор оша сакраш, хода устида юриш, нишонни уриш ҳамда яккама-якка беллашув бўйича курашга киришди.

Эркаклар ўртасида Азиз Назаров, Аҳмад Алимбеков, Қувват Жуманиёзов, Нуриддин Нуриддинов, Нодир Саидкаримов, Ҳусан Баратов ва Бауржан Жонузоқов ўз вазн тоифасида ғолиб бўлишди.

Ўсмирлар орасида Шаҳбоз Сайфуллаев, Жасур Анорбоев, Сирожиддин Эргашев, Шаҳзод Азизов ва Азим Бозоров олтин медал эгасига айланди.

Қизлар баҳсида эса Шоҳсанам Зоҳидова, Дилноза Латипова, Аня Жадикова, Муштарий Мирзаахмедова, Ирода Мамбетова, Дилафрўз Рустамхўжаева ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Ғолиблар сентябр ойида Россиянинг Анапа шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Гўзал ЭРКИНОВА

Бадиий гимнастика

Бадиий гимнастикани бежиз нафосат машқлари, деб аташмайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, у қизларнинг санъатга, мусиқага бўлган қизиқишларини ошириб, маънавий оламини бойитади. Қадди-қоматларини тик қилади. Шу боис ҳам юртимизда бадиий гимнастикага эътибор кучли. Жойларда бир қатор секциялар ташкил этилиб, минглаб қизлар бу нафис спорт тури билан шуғулланишмоқда.

НАФОСАТ МАШҚЛАРИ

Сирдарё вилоятида ҳам бундай ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Барча умумтаълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларида бадиий гимнастика гуруҳлари самарали фаолият кўрсатяпти.

— Қизларнинг бадиий гимнастикага қизиқиши кундан-кунга ошиб боряпти, — дейди Гулистон шаҳридаги 6-умумтаълим мактабида ташкил этилган бадиий гимнастика гуруҳи мураббийи Нафиса Раҳимова. — Шогирдларим орасида иқтидорли ёшлар жуда кўп. Мадина Абдуқодирова, Дилшода Каримова, Дилноза Нормуродова, Мухлиса Олимовалар шаҳар, вилоят миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритмоқда.

Спортнинг бу тури меҳнат жамоалари, маҳаллаларга ҳам кириб боряпти.

Анорбой НОРҚУЛОВ

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

Тадбир

МУРУВВАТ НУРИ

Тошкент шаҳар Ижтимоий ўзаро ёрдам «Меҳрибонлик» ногиронлар жамияти томонидан «Турон» ресторанида «Аёл борки, фаришта мисол турмуш обод, сариштalик бор» деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.




Тадбир меҳмонларига байрам кайфияти улашиш мақсадида «Балли, қизлар» танлови ташкил этилди. Наргис Қодирова, Саодат Султонова, Сабоҳат Соипова ва Шаҳноза Ўрмонова каби қизлар имконияти чекланганига қарамасдан ҳаётдан завқ олиб яшаётгани, ишонч билан олдинга интилаётгани иштирокчиларда чуқур таассурот қолдирди. Танловда қизлар алла айтиш, келин салом ва салатлар тайёрлаш шартларини аъло даражада бажаришди.

— Байрам тадбирини ташкил этишдан мақсад, — дейди «Меҳрибонлик» ногиронлар жамияти раиси Райҳон Нурмуҳамедова, — қайсидир жиҳатдан имконияти чекланган, ногирон йигит-қизларнинг ўзига нисбатан ишончини ошириш, ҳеч кимдан кам эмасмиз, деган матонат билан жамиятга интеграциялашувига ҳисса қўшишдан иборат.

Ҳомийларнинг меҳр-саховатидан нафақат байрам дастурхони, балки қалблар ҳам мурувват нурига тўлиб кетди.

— Инсон қандай ҳолатда бўлмасин, у жамиятнинг тўлақонли аъзоси, — дейди тадбир қатнашчиларидан бири, ташкилотчи, санъатшунос, таржимон Светлана Саъдий. — Тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб қолганлар ҳам буни англаши учун атрофдагилар ёрдамини аяшмаяпти. Мана шундай тадбирлар эзгулик ғалаба қилишини қалбдан ҳис қилишга кўмаклашмоқда.

«Осиё» карнайчилар гуруҳи, «Дизайн» театр гуруҳи, «Ҳилола» фолклор этнографик рақс ансамбли ҳамда Алишер Рўзметов, Жасур Мавлонов, Абдували Ражабов каби санъаткорлар томонидан ижро этилган дилрабо қўшиқ ва рақслар тадбирга ўзгача файз бағишлади.



Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Қашқадарё вилоят кўз касалликлари шифохонаси ходими

Санакул НОРҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Алишер Каримовга акаси

Акбар КАРИМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova
Navbatchi:
U.Ibodinov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 22. 00
Topshirildi - 22. 10

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 311 | 21711 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5